***Россия конунчилигини аниклаштиришда ёрдам учун Сиз Камчатка минтакавий миллатлараро жамоат бирлашмаси «Содружество» нинг куйидаги Миллий бирлашмаларига мурожаат килишингиз мумкин:***

• Камчатка минтакавий миллий озарбайжон жамоат ташкилоти «Азери», рахбари
Гусейнов Рамазан Валимамед оглы, телефон 8-924-891-20-00;

• Камчатка улкасидаги киргизларнинг минтакавий жамоат ташкилоти «Ало-Тоо», рахбари
Жаманаков Омурбек Кубатович, телефон 8-900-444-28-56;

• Камчатка минтакавий узбеклар жамоат ташкилоти «Узбекистон», рахбари
Каримов Хайрулла Хуснуллаевич, телефон 8-909-834-99-99.



## Россияда террорчилик ёки экстремистик деб тан олинган ташкилотлар руйхати:

«База»(«Ап-Коида»), «Мусулмон-биродарлар» («Ап-Ихван ал-Муслимун»), «Ислом озодлик партияси» («Хизб ут-Тахрир ал-Исломи»), «Ислом гурухи» («Ислом-Жамоати»), «Толибон харакати», «Туркистон ислом патияси» (аввалги «Узбекистон ислом харакати»), «Жунд ош-Шам» (Буюк Сирия Армияси), «Исломий жиход-Жамоат мужохидлари», «Исломий Магриб мамлакатларида Ап-Коида», «Имарат Кавказ» («Кавказ Амирлиги»), «Ислом давлати», «Жабхот ан-Нусра», «Оллохдан ажр Субхану я Тоолло ШАМ», «Мужохидлар жамоати Ат-Тавхид вал-Жиход», «Чистопол Жамоати», «Рохнамо ба суи давлати исломи» («Ислом давлатига йулкурсатгич»), Террорчилик хамжамияти «Тармок», «Котиба Таухид вал-Жиход» ва бошкалар.

## Оператив хизматлар телефонлари:

- **фавкулотда хизматлар чакируви ягона раками – 112**
- **Камчатка улкаси буйича Россия ХФХБ* навбатчиси – 8 (4152) 41-28-89**
- **Камчатка улкаси буйича Россия ИИВБ** навбатчиси – 102, 8 (4152) 27-11-02**
- **Камчатка улкаси буйича Россия ФХХ ББ*** навбатчиси – 8 (4152) 200-112**
- **Камчатка улкаси буйича Россия ИИВБ ЙХХДИ**** навбатчиси – 8 (4152) 46-92-02**

Илова (Примечание):

* ХФХБ – Хавфсизлик федерал хизматлар бошкармаси (УФСБ - Управление Федеральной службы безопасности);
**ИИВБ – Ички ишлар вазирлиги бошкармаси (УМВД – Управление Министерства внутренних дел);
***ФХВ ББ – Фавкулотда холатлар вазирлиги бош бошкармаси (ГУ МЧС – Главное управление Министерства по чрезвычайным ситуациям)
****ЙХХДИ – Йул харакати хавфсизлиги давлат инспекцияси (ГИБДД – Государственная инспекция безопасности дорожного движения)

Типография «ЩОРС!». Т. 23-31-61. З. 37271-03.21. Т. 200. Изготовлено по заказу Минспецпрограмм Камчатского края.

**АНТИТЕРРОРИСТИЧЕСКАЯ КОМИССИЯ КАМЧАТСКОГО КРАЯ**




# РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ТЕРРОРИЗМГА КАРШИ КОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ТУГРИСИДАГИ ХОРИЖИЙ ФУКАРОЛАРГА

# ЭСЛАТМА

## Хурматли мехмон!

Биз Сизни Камчатка улкасининг мехмондуст юртида таклиф килишдан мамнунмиз.

Бизнинг юртимизга ташриф буюрган чет эл фукароларининг анъаналари ва урф-одатларини хурмат киламиз. Сизнинг хавфсизлигингизни таъминлаш, конуний хукук ва манфаатларингизни химоя килиш учун биз томондан барча чоралар курилган.

Россияда турли халклар ва динларнинг узаро таъсирида ноёб цивилизация яратилди, унинг асосий таркибий кисмлари православ ва мусулмон маданиятлари булди.

Камчатка заминида бир юз уттиздан ортик халклар тинч ва яхши кушничиликда яшашади. Сиз уларнинг анъаналарини хурмат килишингизга аминмиз.

Сизга бизнинг юртимизда тинч ва осойишта булишингизни тилаймиз! Уктириб утамиз, Сиз Россия Федерацияси конунчилигининг талабларига риоя килишингиз шарт. Россия конунларини бузиш маъмурий ва жиноий жавобгарликка олиб келади.

Ушбу эслатма Сизга Россия Федерацияси конунчилигининг терроризм ва экстремистик фаолият билан боглик ноконуний фаолиятга иштирок этганлик ва ёрдам берганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи асосий нормалари билан танишишингизга ёрдам беради.

### Россия Федерациясининг маъмурий хукукбузарликлар тугрисидаги Кодексида куйидаги жавобгарликлар кузда тутилган:

- нафрат ёки адоватни кузгатишга каратилган харакатлар, шунингдек жинси, ирки, миллати, тили, келиб чикиши, дини, шунингдек хар кандай ижтимоий гурухга мансублиги сабабли шахс ёки шахслар гурухининг кадр-кимматини камситишга каратилган харакатлар учун. Омма олдида содир этилган бундай хатти-харакат йигирма минг рублгача маъмурий жарима ёки ун беш кунгача маъмурий камок билан жазоланади. (20.3.1 модда);
- виждон эркинлиги, диний акидалар эркинлиги ва диний бирлашмалар тугрисидаги конунчилик хужжатлари талабларини бузган холда чет эл фукароси ёки фукаролиги булмаган шахс томонидан миссионерлик фаолияти учун. Бундай фаолият Россия Федерацияси худудидан маъмурий хайдалиш билан эллик минг рублгача маъмурий жарима солишга олиб келади (5.26 модда).

Терроризм сохасидаги жиноятлар энг хавфли ноконуний харакатлардан бири хисобланади.

Террористик ва экстремистик ташкилотлар фаолиятида катнашганлик, ушбу ташкилотларга аъзо булганларнинг ёрдами, Сизга маълум булган шахслар тугрисида террорчилик фаолиятида иштирок этганлик, террорчилик актинитайёрлаганлик ёки содир этганлик тугрисида хабар бермаслик учун жавобгарлик **Россия Федерацияси Жиноят кодексида кузда тутилган** (кейинчалик – Россия ЖК).

- Террорчилик харакатини содир этганлар **10 йилдан 20 йилгача озодликдан махрум этиш ёки умрбод озодликдан махрум этиш билан жазоланади** (Россия ЖК 205 моддаси);
- Террористик фаолиятга тарғиб килиш (кумаклашиш) **5 йилдан 20 йилгача озодликдан махрум этиш бир миллион рублгача микдорида жарима билан бирга ёки умрбод озодликдан махрум этиш билан жазоланади** (Россия ЖК 205.1 моддаси);
- Террористик фаолиятини амалга оширишга каратилган оммавий чакирувлар, терроризмни оммавий оклаш ёки терроризмни тарғиб килиш **бир миллион рублгача микдорида жарима тулаш ёки 2 йилдан 7 йилгача озодликдан махрум этиш билан жазоланади** (Россия ЖК 205.2 моддаси);
- Террористик фаолиятни амалга ошириш максадида укув машгулотини утказиш **15 йилдан 20 йилгача озодликдан махрум этиш ёки умрбод озодликдан махрум этиш билан жазоланади** (Россия ЖК 205.3 моддаси);
- Террорчилик хамжамиятини ташкил килиш ва унда иштирок этиш **5 йилдан 20 йилгача озодликдан махрум этиш бир миллион рублгача микдорида жарима билан бирга ёки умрбод озодликдан махрум этиш билан жазоланади** (Россия ЖК 205.4 моддаси);
- Террористик фаолиятни ташкил этиш ва террористик ташкилотда иштирок этиш **10 йилдан 20 йилгача озодликдан махрум этиш бир миллион рублгача микдорида жарима билан бирга ёки умрбод озодликдан махрум этиш билан жазоланади** (Россия ЖК 205.5 моддаси);
- Россия ЖК нинг 205, 205.1, 205.2, 205.3, 205.4, 205.5, 206, 208, 211, 220, 221, 277, 278, 279, 360 ва 361 моддаларида назарда тутилган жиноятларни камида биттасини тайёрлаган, содир этаётган ёки содир этган шахс тугрисида давлат органларига хабар бермаслик **1 йилгача муддатда озодликдан махрум этиш билан жазоланади** (Россия ЖК 205.6 моддаси);
- Одамни кулга олиш ёки гаров сифатида ушлаб туриш **5 йилдан 20 йилгача озодликдан махрум этиш ёки умрбод озодликдан махрум этиш билан жазоланади** (Россия ЖК 206 моддаси);
- Террорчилик харакати тугрисида ёлгон хабар бериш **икки миллион рублгача микдорида жарима ёки 10 йилгача озодликдан махрум этиш билан жазоланади.** (Россия ЖК 207 моддаси);
- Портловчи моддаларни ноконуний тайёрлаш **3 йилдан 12 йилгача муддатда озодликдан махрум этиш 500 минг рублгача микдорида жарима билан жазоланади** (Россия ЖК 223.1 моддаси).

***Сизга маълум булган террористик ва экстремистик фаолиятда иштирок этиш фактлари, шунингдек Сизни террористик фаолиятда жалб килиш уринишлари ёки якинлашиб келаётган террорчилик харакати тугрисида Сизга маълум булган маълумотлар тугрисида куйидаги телефон оркали хабар килиниши керак***

**8 (4152) 41-28-89 (Камчатка улкаси буйича Россия Федерацияси федерал хавфсизлик хизмати Бошкармаси навбатчиси)**